

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд раиси [REDACTED] раислигида, суд мажлисини баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси У. [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Чиноз туман прокурори катта ёрдамчиси А. [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат Б. [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК [REDACTED]

[REDACTED] сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

1995 йил 20 февралда Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, вояга етган 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган: 1) жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2023 йил 12 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2023 йил 15 ноябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2025 йил 20 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ўталмаган жазоси 4 йил 9 ой 10 кунни ташкил қилади, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Тиллатопган” м.ф.й., Буюк турон кўчаси, 15-уйда яшайди, иш бўйича 2025 йил 21 августдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 16 сентябрда олган,

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокара сўзларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :



Судланувчи [REDACTED] илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб ва суд ҳукмига кўра тайинланган жазони ўташ даврида, ўзига тегишли ижобий хулосалар чиқармасдан, қасддан яна кўп миқдорда бўлган гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга ҳилоф равишда сақлаш жиноятини содир қилади.

[REDACTED] 2025 йил 29 июль куни ўзининг шахсий ишлари билан Чиноз тумани, “Гулзоробод” м.ф.йдан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйига борган вақтда, у ерда ёввойи “наша” ўсимлигини ўсиб турганлигини кўриб қолиб, ўзи гиёҳванд модда истеъмол қилиб келганлиги сабабли унинг барглари ва тўп гулларини қўллари билан юлиб олиб, бир дона оқ рангдаги қоғоз ўрами ичига жойлаб, шунингдек у ердан 1 (бир) дона “ангишувона” кўриб қолиб, ушбу мослама ёрдамида гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш жараёнида қўллашни мақсад қилиб, ушбу мосламани ҳам ўзи билан олиб, эғнида бўлган шимининг чўнтагида қонунга ҳилоф равишда сақлаб келган.

Чиноз тумани ҳудудида “Хавфсиз ва соғлом юрт” профилактик тезкор тадбири ўтказиш давомида 2025 йил 29 июль куни Чиноз тумани ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори [REDACTED] шубҳа уйғотган [REDACTED] маҳалла ҳудудидаги стадион олида тўхтатилиб, икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилганида, эғнидаги шимининг чап чўнтагидан 1 дона дафтар варағи ўрамига жойланган, қуруқ майдаланган умумий оғирлиги 1,15 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси сақлаётганлиги аниқланиб далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2025 йил 30 июль кунидаги №1673-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] олинган қора рангли полимер пакет ичидаги бир дона дафтар варағи ўрамига жойланган ўсимлик моддаси, қуритилган ҳолдаги майдаланган ўсимлик тўпгуллари ва баргларида ташкил топган таркибида фаол гиёҳванд модда - тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда - марихуана деб аталиши, унинг соф оғирлиги 1,15 (бир бутун юздан ўн беш) граммни ташкил этиши аниқланган.

“Марихуана” Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхатига кўра тақиқланган гиёҳванд воситалар туркумига кириши кўрсатилган. (Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилдаги №878-сонли қарори).

[REDACTED] илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этган шахс томонидан, марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда сақлашда ифодаланган қасддан содир этган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир

Судланувчи [REDACTED] ушбу жиноятни содир этганлиги қуйидаги далиллар билан исботланади.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 1-2 йилдан буён гиёҳвандлик воситаларини чекиш йўли билан истеъмол қилиб келиши, илгари суд томонидан гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаганлиги учун судланиб ва тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаб келаётганлиги, 2025 йил 29 июль куни соат тахминан



00:30 чекиши учун сигарет керак бўлганлиги сабабли жияни [REDACTED] кўл телефонига кўнғироқ қилиб, унга дўкондан сигарет олиб келиб беришини айтганлигини, [REDACTED] қайтиб кўнғироқ қилиб, сигарет олиб келганлигини, маҳалладаги стадион олдида турганлигини, олиб кетинг айтганлигини, уни олдида бориб сигаретни олганлигини, у ерда [REDACTED] ва кўшниси [REDACTED] бўлганлигини, улар билан салом-слик қилиб, сигаретни олиб чекиб ўтирган вақтида маҳалла профилактика инспектори ва бошқа ИИБ ходимлари келиб қолишганлигини, бу вақтда оқ рангли дафтар вароғига ўралган ҳолатда бўлган, ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётган гиҳвандлик моддаси ҳамда ушбу гиҳванд моддасини истеъмол қилиш учун мўлжалланган ангишувонани ён тарафга қараб отиб юборганлигини, ерга отиб юборган нарсаларини ИИБ ходимлари кўриб қолиб, ерга отиб юборган нарсани ИИБ ходимлари олишганлигини, ушбу нарсалар кимга тегишли эканлигини сўрашганида, бу нарсаларни ўзига тегишли эканлигини ва уларни кўриб ерга ташлаб юборганлигимни айтганлигини, ИИБ ходимлари унга тегишли бўлган оқ рангли дафтар вароғига ўралган ҳолатда сақлаб келаётган гиҳвандлик моддаси ҳамда ушбу гиҳванд моддасини истеъмол қилиш учун мўлжалланган ангишувонани ёнидаги [REDACTED] ва кўшниси [REDACTED] иштирокида тегишли тартибда расмийлаштириб олишганлигини, ҳозирда қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, қарамоғида касалманд ота-онаси, турмуш ўртоғи ва 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оиласи маҳаллада ижтимоий ёрдамга муҳтож оила бўлиб, оиласини ёлғиз боқувчиси эканлигини ҳисобга олиб, жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б. [REDACTED], суд мажлисида, Чиноз тумани ИИБда профилактика инспектори лавозимида хизмат қилишини, унинг хизмат вазифасига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчилик ва ҳуқуқ бузарликларни олдини олиш ва бошқа вазифалар кириришлигини, 2025 йил 29 июль куни Чиноз тумани ИИБ бошлиғининг тегишли буйруғига асосан тунги хизматга жалб қилинганлигини, хизмати давомида унга бириктирилган ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни ва жинойтчиликни олдини олиш борасида профилактика ишларини ташкиллаштирганлигини, соат 00:30ларда хизматини олиб бориши давомида Чиноз тумани, Тиллатопгаан маҳалласида жойлашган стадион олдида борган вақтида, у ерда 3 нафар йигитлар ўтирганликларини кўриб қолганлигини, уларни олдида бораётган вақтида у ердаги йигитлардан бири ҳамёнига кўлини солиб, ҳамёнидан оқ рангдаги қоғоз бўлагини ерга ташлаб юборганлигини, у ундан шубҳаланганлиги сабабли уларни олдида етиб бориб, уларга ўзини таништириб, уларни шахсига ойдинлик киритганлигини, текширув давомида ўзини [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] яқинида турган оқ рангдаги қоғоз бўлаги олиб кўздан кечирилган вақтида ушбу қоғоз ўрами ичида наша гиҳванд моддасига ўхшаш бўлган ўткир ҳидли модда ва унинг ёнида 1 дона ангишувона аниқланганлигини, у улардан ушбу нарса кимга тегишли эканлиги сўралганида, Р. [REDACTED] ушбу аниқланган оқ рангли қоғоз бўлаги ичидаги гиҳванд моддаси ва ангишувона ўзига тегишли эканлиги, уни у келаётганлигимни кўриб, кўрқиб кетганлигидан ерга ташлаб юборганлигини маълум қилганлигини, шундан сўнг ушбу гиҳванд модда ва ангишувонани



ҳолислар иштирокида ашъвий далил сифатида тегишли тартибда расмийлаштириб олинганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Шунингдек, 2025 йил 30 июлдаги №1673-сонли судга оид кимёвий экспертиза хулосаси; гумон қилинувчини кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва фотожадвали; 2025 йил 18 августдаги судга оид наркологик экспертизанинг №68-сонли даллолатномаси; нарсани ашъвий далил деб топиш тўғрисида қарор ҳамда ишда мавжуд брошқа далиллар мажмуи билан ҳам тасдиқланади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р. [REDACTED] илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан эғнидаги кийимида қуритилган 1,15 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаганликда ифодаланган жинойий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 1-сонли қарори 3-бандига мувофиқ, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 16-сонли қарори 6-бандига биноан, судлар конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур.

Суд, мазкур Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Р. [REDACTED] қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволи оғирлигини, қарамоғида кекса ота-онаси, турмуш ўртоғи ва 2 нафар вояга етмган фарзандлари борлиги жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар ва илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб ва қасддан шундай янги жиноят содир этишини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратган ҳолда хулқини қайта тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан жиноят содир этган моддаси қисмида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2025 йил 20 майдаги ҳукмига кўра тайинланган жазони ўталмай қолган муддатини қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни деб топади.

Суд, суд-наркология диспансерининг 2025 йил 30 январдаги 15-сонли даллолатномасига кўра, Р. [REDACTED] гиёҳвандлик касаллиги



